


Хушёрлик давр талаби




Олтинсой тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати June 14, 2023



Кундалик ҳаётимизни автотранспорт воситаларисиз тасаввур қила олмаймиз. Узғимизни яқин, оғиримизни енгил қилишда уларнинг аҳамияти катта. Лекин мана шу транспорт воситалари ва пиёдалар ўртасида кўнгилсиз ходисаларнинг кўпайиб кетиши афсуски хамон учрамоқда. Бугун туман ҳокимлиги мажлислар залида мана шу масалага бағишиланган йиғилиш бўлиб ўтди.



Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД ЙХХ ТНБ бошлиғи, милиция майори Хотам Содиков, вилоят ИИБ ЖХХ ЙХХБ бошлиғи ўринбосари ТНБ бошлиғи, милиция майори Файрат Турдиевлар бугунги кунда содир бўлаётган оғир оқибатли йўл транспорт ходисаларини барвақт олдини олиш ва йўловчи ташиш бўйича маҳаллабай тизимига ўтиш ҳамда бошқа долзарб масалалар бўйича йиғилганларга атрофлича маълумот ва кўрсатмалар бердилар.



Халқимизда йўл қоидаси-умр фойдаси, дея бежизга айтилмайди. Биз хар биримиз бу ишларга ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозимдир.

